O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 10 декабрь, шанба • № 98 (11.797) • Эркин нархда сотилади

# ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси***

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн уч йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга, сиз орқали бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кунни катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишонлаш ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ушбу қутлуғ сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимизда яшаётган ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди.

Мана, ўн уч йилдирки, биз эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, ўзимиз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий қонунимизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.

Ана шу ўтган давр мобайнида халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилдик.

Биз мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган ғоят мураккаб ва масъулиятли, машаққатли ривожланиш йўли давомида қандай жараёнларга дуч келмайлик, қандай оғир синовларни бошимиздан кечирмайлик, Конституциямиз ҳамиша юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта таҳликали вазиятларда яккаю ягона тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун Конституция тўғрисида, унинг мазмун-мазмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, ушбу конституцион тамойилга биринчи галда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзининг кундалик фаолиятида оғишмай риоя қилиши зарурлигини бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда **"Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун"** деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик — бу пахта ёки ғалла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Барчамиз холисона тан олишимиз керак — кўпинча кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз.

Шу борада яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди.

Лекин, таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққиётга етишиш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсиқ ва ғовлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошкора гапириш, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишда биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз.

Очиғини айтганда, собиқ тузумга хос қолдиқ ва асоратлар, барчамизнинг онгимизда ҳали-бери сақланиб қолаётган эскича ёндашув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Барака топкурлар, агар биз эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатоларимизни аввало ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконига эга бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда, мен учта муҳим масалага алоҳида урғу бериб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур.

**Иккинчидан,** мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

**Учинчидан,** ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик янгиланиш ва янги жамият қуриш йўлида асос қилиб олинган пойдевор ва тамойиллари ҳақида мухтасар қилиб, қисқа тарзда эслатиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзида учратиш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лекин демократияга эришиш, унинг асосларини яратиш учун аксарият давлатларга ўн-юз йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар энди-энди бу жараёнга киришмоқда.

**Иккинчидан,** барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю ягона — универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатига зид нарса.

Бу ҳақиқатни охирги даврда жуда кўп мисолларда кўриш мумкин.

Демократияни ташқаридан, ҳар қайси давлат ва халққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчли, хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар.

**Учинчидан,** Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган.

Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэътироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади.

Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало — халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз.

Шу билан бирга, очиқ айтиш керак, Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишимизга аралашиш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз.

Шуни айтишим керак — бизга нисбатан бундай уринишлар чиппакка чиқиши муқаррар ва бу масала бўйича лўттибозликни йиғиштириб қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!

Вақтнинг шиддат билан ўтишини қарангки, юртимизда "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинган 2005 йил ҳам, мана, ўз ниҳоясига етиб бормоқда.

Асосий маъно-мазмуни ва фалсафаси "Соғлом халқ, соғлом миллатгина

**(Давоми 2-бетда).**

***Бугун – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун***

# ЎЗБЕКНИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига ўн уч йил тўлди. Мадҳия ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиги, куч-қудрати, тарихий қадриятлари ва маънавиятини ўзида акс эттирувчи тимсоллардандир.**

1992 йилнинг 10 декабрь куни Ўзбекистон парламентининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинди. Шундан бери Ватанимиз озодлигини, халқимиз фаровонлигини ифода этувчи бу қўшиқ баралла янграб келмоқда.

Ҳар бир янги кунни, ҳар бир мунаввар тонгни ана шу улуғвор тарона билан қарши оламиз. Байрамларга, тадбир ва тантаналарга мадҳиямиз ўзгача шукуҳ бағишлайди. Мамлакатимизга ташриф буюрган олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш чоғида, давлатимиз раҳбарининг хорижий сафарларида, мўътабар минбарларга кўтарилаётган пайтда янграйдиган мадҳиямиз садолари миллатимизнинг ўзлигини тараннум этади.

Бу улуғвор таронани тинглаганда қалбингиздаги энг жўшқин, умидбахш туйғулар жунбушга келади. Кўз олдингизда бунёдкор халқимиз, она-Ватанимизнинг бепоён кенгликлари, тарихи, бугунги ва эртанги куни намоён бўлади. Унинг тантанавор оҳангларига жўр бўласиз. Давлатимиз мадҳияси — халқимизнинг муқаддас ва бош қўшиғидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов қаламидан қуйилган пурмаъно мисралар машҳур бастакоримиз Мутал Бурҳонов мусиқаси билан уйғунлашиб, қанчалар улуғворлик касб этгани ортиқча таърифга муҳтож эмас.

Халқаро мусобақаларда зафар қучган юртдошларимиз шарафига янграган Миллат қўшиғи уларни янада илҳомлантиради, янги-янги ғалабаларга чорлайди.

Эндигина боғчага қатнай бошлаган болакай чучук тили билан "Серқуёш, ҳур ўлкам..." деб куйлай бошлаганида қайси ота-она севинчидан тўлқинланиб кетмайди?! Бу кўп миллионли, кўп миллатли халқнинг, тарихи минглаб асрларни ўз ичига оладиган Юртнинг энг улуғ ва энг муқаддас қўшиғи. Уни эъзозлаш, ёд олиш, меҳр билан куйлаш ҳар бир ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг бурчидир.

Мустақил Ўзбекистонимиз мадҳияси асрлар оша Ватан, эрк, истиқлол таронаси бўлиб янграйверсин!

**Рустам ЖАББОРОВ, ЎзА.**

# «МУРОТАЛИ»ДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ



**Илгари хабар берганимиздек, «Муротали» ширкат хўжалигида янги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсатда қад ростлаган ушбу коллежни вилоятда кўзга кўринган кўп тармоқли «Бунёдкор» хусусий корхонаси барпо этди.**



Бу ерда қарийб 1,5 миллиард сўмдан зиёд қурилиш ва монтаж ишлари амалга оширилди. Махсус жиҳозланган фан хоналари, лингофон кабинети, спорт зали, ошхона, устахона ва бошқалар бинодан ўрин олган.

— Бизда ҳар йили Конституция қабул қилинган кунга янги объектни фойдаланишга топшириш анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам ушбу коллеж биноси бизнинг байрам совғамиз бўлди, — дейди «Бунёдкор» раҳбари Баҳром Ғофуров. — Уни бунёд этишда бир қатор ташкилотлар биз билан ҳамкор бўлди. Хусусий тадбиркор Одил Насруллаев, «Туронбанк» вилоят бўлими раҳбари Умид Бегалиевлар қурилиш жараёнларида бизни доим қўллаб туришди.

— Эндиликда 450 ўринли касб-ҳунар коллежимизда талабалар 8 йўналиш бўйича билим оладилар, — дейди коллеж раҳбари Темур Азаматов. — Хусусан, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини назорат қилиш, саноат корхоналари ҳамда иншоотларга электр жиҳозларини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, материалларга ишлов бериш, шунингдек, ЭҲМ тармоқларини ўрнатиш, тикувчилик ва ишлаб чиқариш, бухгалтерия ва молия йўналишлари шулар жумласидандир.

— Қишлоғимизда шундай муҳташам уч қаватли ўқув муассасаси қад ростлайди деб ўйламагандик, — дейди кекса педагог Абдуғани Жумабоев. — Бу давлатимиз томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг меваси, деб биламан.

Коллеж очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар ушбу муассаса ёшлар ҳаётида, уларни касбга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Тадбир сўнгида коллеж талабалари тайёрлаган дастур намойиш этилди ҳамда таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янгради.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:** коллежнинг янги биноси; лингофон хонасида машғулот пайти.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**Конституциямизнинг 13 йиллик байрами куни Ангрендаги Алишер Навоий номидаги Маданият марказида шаҳарнинг таниқли санъаткорлари, «Ангрен юлдузлари», «Шанс» шоу-эстрада гуруҳлари ижросида «Қомусимиз — бахтимиз» концерт дастури намойиш этилди.**

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

Сўнгги бир йил ичида шаҳарга табиий газ келтирилиб, байрам кунигача 4,5 мингдан зиёд хонадонда «зангори олов» порлади. Ўқув-тарбия муассасаларига эътибор кучайтирилди. Битта мактаб реконструкция қилинди ва 2 таси капитал таъмирланди.

Жорий йилнинг ўн ойида 61,5 миллиард сўмлик ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 103 фоиз ўсиш таъминланди. Жумладан, кўмир қазиб чиқариш 2 миллион 452 минг тоннага етказилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 249 минг тонна кўпдир. Хорижий сармояли «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик жамиятида экспорт маҳсулотлари тайёрлаш бир ярим бараварга ошиб, 858 минг АҚШ долларини ташкил этди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# САРА УРУҒ ТАЙЁРЛАНАДИ

**Оққўрғон туманидаги Олимкент пахта тозалаш корхонасида тукли ва туксиз уруғлик чигит тайёрлашга мўлжалланган янги цех иш бошлади.**

Бунинг учун завод ҳудудида замонавий кўринишга эга бино барпо этилди ва Испания технологияси билан жиҳозланди.

Бир кунда 100 тоннагача чигитни қайта ишлаш ва дорилаш қувватига эга ушбу янги цех учун қарийб 600 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

# ЁШЛАР — БУНЁДКОР КУЧ

**Тошкент Давлат аграр университетида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуида мулоқот ўтказилди. Унда 600 дан зиёд талаба иштирок этди. Мамлакатимизнинг Бош қомусида белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликлар, улар очиб бераётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди.**

Маърузачилар ёш авлодни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, йигит-қизларнинг мустақил Ватан олдидаги бурчлари ҳақида гапиришди. Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партиясининг вилоят кенгаши ташкил этган бу тадбирда ёшлар бунёдкор кучга айланиб бораётгани, жамиятдаги янгиланиш жараёнида уларнинг фаол иштироки алоҳида таъкидланди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида шу мавзуда учрашув уюштирилди.**

# «ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосларини чуқур ўрганиш, хусусан, ёшлар масалаларига таалуқли қонунларни ўзлаштириб олишга қаратилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»** газетасининг индекси – **205.**

# Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

# ОРИЯТЛИ ОДАМЛАР

## ТУҲМАТ ТОШИ

Фалокат оёқ остида деганларидек, Олимжон ўз уйидаги томсувоқ ҳашарида тойиб кетиб, чалқанча йиқилди-ю, умуртқаси лат еб, шифохонага тушиб қолди. Битай деб қолган иморат томи ёпилмай қолиб кетди.

— Куз ҳавоси, эрта-индин ёмғир савалаб берса, Олимжон аканинг шунча ҳаракати бир тийин бўлмайдими? — деди бир куни чой устида Шокиржонга хотини. — Энг ишонган дўсти сиз бўлсангиз, сув тошса тўпиғингизга чиқмай ўтирибсиз.

— Ўзим ҳам шундан хавотирдаман, — деди дўпписини қоқиб Шокиржон, — бир эмас, икки марта ўзига айтсам ҳам унамади.

— Нега?

— Яқиндаги қаттиқ шамолда кўпчиликнинг томидаги шиферлар синиб кетган, шуларга ёрдам берайлик, кейин менга навбат, деб туриб олгач, мен нима қилай, — деди Шокиржон.

— Энди сизга шунақа деб қўяқолганда, бояқиш, — деди Гулсим. — Уйимиздаги янги иморатга атаб олиб қўйган шифер етиб ортади. Вақти-соати билан уй солсак, бир гап бўлар, у ҳам ўн ҳисса қилиб қайтарадиганлардан.

Хуллас, ёмғир томчилаши баҳона бўлиб, Шокиржон уйидаги 150 та шиферга Ваққос омборчи табиий офатдан зарар кўрганлар учун суғурта идораси ҳисобидан ажратган 5-6 та шиферни ҳам қўшиб, тўғри Олимжоннинг янги иморатига олиб келди. Усталар икки кунда ишни тамомлашди.

Шундан кейин қишлоқда янги «миш-миш» тарқалди. Нима эмиш, офатдан зарар кўрганлар учун текинга берилган шифернинг 150 тасини раис амалидан фойдаланиб, уйининг томига ишлатиб юборибди...

Бу хунук гап Тошкент шаҳрида шифохонада даволанаётган Олимжоннинг қулоғига ҳам етиб борди. У шу куниёқ шифохонадан врачларнинг рухсатисиз чиқиб келиб, ҳеч нарсани суриштирмай, жаҳл устида қурилиш дўконидан қарзга 150 та шиферни олиб келиб, омборчи орқали муҳтожларга тарқаттириб юборди.

Дўстидан ҳол-аҳвол сўрагани келган Шокиржонни Олимжон кўкрагидан итариб, кўчага ҳайдаб чиқарди-да, жаҳл устида анча-мунча нордон гапларни айтиб юборди:

— Сени дўст деб, янглишган эканман. Қўйнимда илон сақлаб юрганимни билмабман. Одамларнинг олдида ёмонотлиқ қилиб, ор-номусимни ер билан битта қилдинг, номард. Бу уйга энди қадамингни ҳам босмагин. Мен сени танимайман.

Ваққос омборчи шу куни Шокиржоннинг икки шапалоғини еган бўлса ҳам мувозанатдан чиқмади.

— Мен сени шифер ўғриси қилганим йўқ, — деди омборчи айбсиз одамдай биткўзларини катта-катта очиб. — Сен келиб кетганингдан кейин санасак, 150 та шифер кам чиқди. Тўғри, гумондан имон кетади, деган гап бор, лекин менга ҳам осон тутманглар.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек, нима бўлганда ҳам қишлоқ одамлари учун анча вақтга етадиган эрмак топилганди.

Олимжоннинг душманлари, мана энди раис шарманда бўлиб, бўшайди деган узил-кесил хулосага етиб боришган бўлса, Шокиржоннинг эса қамалишини сабр-бардош билан кутишарди.

Энг ёмони эса, бу воқеалардан кейин икки қадрдон дўст юзкўрмас бўлиб кетишди.

## СИР ОЧИЛДИ

Маҳалла оқсоқоли билан идорага орқама-орқа кириб келган Ваққос салом-аликдан сўнг мақсадга кўчиб қўя қолди.

— Кўчада ҳар хил гап. Ўзингиздан аниғини билмоқчи эдим. Шокир қизини раиснинг ўғлига берадиган бўлдими, йўқми?

— Шокиржон тўнини тескари кийиб олган, кўнадиганга ўхшамайди, — деди оқсоқол қўлидаги соатига разм соларкан. — Қиз билан йигитнинг оталарини чақирганман, ҳализамон келиб қолишса керак. Маҳалла фаоллари билан бир ўртага олайлик-чи, кўрамиз, натижа чиқармикан?

— Сиз қиз билан йигитнинг муносабатини айтинг, менга ука, — деди оқсоқолдан кўзини узмай Ваққос, — бир-бирига кўнгли қанақа?

— Иккаласи ҳам бир-бирини қаттиқ севишаркан, — деди руҳи тушган қиёфада оқсоқол.

— Ундай бўлса чақирган одамларингиз тўплангач, олдин менга сўз берасиз, муҳим айтадиган гапим бор, — деди ютиниб Ваққос.

Чақирилганлар келиб бўлгач, оқсоқол йиғилишни очиб, Ваққосга сўз берди.

— Биродарлар! Шокиржон билан Олимжон неча кундан бери кечаси ухлолмаётган бўлса, — деди Ваққос ўтирганларга бир-бир қараб, — мен ҳам шунча кундан бери мижжа қоққаним йўқ. Аслида бу икки ёшни сарсон қилган ҳам, бу икки дўстни юзкўрмас бўлиб кетишига сабабчи ҳам битта одам бор. У одам умр бўйи йиққан обрўйини оёқларингиз остига ташлаш учун шу ерга келди. Ўша одам мен бўламан. Бундан уч йил олдин бундай нопок ишга қўл уриб, виждон азобида қолдим. 150 та шиферни ўшанда орқа-олдини ўйламай пуллаб, айбни Шокиржон билан Олимжонларга тўнкаб юборгандим.

Шу пайт ўтирганлардан кимдир баралла «ўла» деб юборди. Оқсоқол сукут сақланг, дегандай ишора қилди.

— Айбимга неча марта иқрор бўлмоқчи бўлдим-у, бўйин ёр бермай юрди, — сўзида давом этди Ваққос. — Қарасам, менинг касримга икки ёш ҳам бахтсиз бўладиган. Шуларнинг бахт-саодати, оила қуриши учун менинг кечирим сўрашим етарли бўлса, Шокиржон, Олимжон, сизлардан гуноҳимдан ўтишларингизни сўрайман. Эгилган бошни қилич кесмайди, деган гап бор. Мабодо сизлар айбимдан ўтсангиз ҳам барибир ўзимни ўзим ҳеч қачон кечиролмайман. Майли яна битта гап қолди. Уни ҳам айтаман. Шифернинг пулини ёнимда олиб келганман.

Хонага бир муддат жимлик чўкди.

— Ҳечдан кўра кеч, — деди ўтирган қариялардан бири, — катта бошини кичик қилиб узр сўраб келибди. Иккингиз ҳам узрини қабул қилинглар.

Шу пайтгача хонанинг бир бурчида униси, бир бурчида буниси бир-бирига ёв қараш қилиб ўтирган Шокиржон ва Олимжон дўстона қучоқлашишди.

— Ваққос ака, ўтган ишга саловат, — деди Олимжон дўстининг елкасидан қўлини олмай, — иккаламиз ҳам мардлик қилиб, бош эгиб келганингиз учун кечирдик. Агар омонат тўғрисидаги ниятингиз чин юракдан бўлса, битта таклиф бор. Биласиз, маҳалла марказида муҳташам болалар спорт саройи қуриб битказилди. Тадбиркор сифатида устини ёпиб берсангиз, бутун қишлоқ миннатдор бўларди.

— Рози бўлганда қандай, — деди кўзларидаги қувонч ёшларини артаркан Ваққос. — Мени ҳижолатпазликдан қутқардингиз. Шунинг ўзи етади. Фақат бир ҳафта муддат берилса бас.

— Шошилиб нима қилдик, роппа-роса ўн беш кундан кейин тантанали очилиш маросими қиламиз, — деди Олимжон.

Орадан ўн кун ўтар-ўтмас, бўладиган ишнинг бўлгани яхши деб, Элёржон ва Зумрадхонларнинг никоҳ тўйи ҳам шоду хуррамлик билан ўтказилди.

## ЯРАШ ОШИ

Маҳалла марказида қад ростлаган муҳташам спорт марказининг очилиш маросими чиндан ҳам байрам тусини олди.

Олимжон хўжалик раҳбари сифатида ҳомийларга миннатдорчилик билдирар экан, навбат Ваққосга келганда, уни даврага таклиф этиб, зарбоф тўн кийдириб, белига белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийдирди.

Ваққос шу турганча тобора кучайиб бораётган олқишлар остида даврадан Шокиржонни излаб топди-да, тўғри бориб, уни бағрига босди-да, қулоғига пичирлади:

— Оқшом бизни чойхонага яраш ошига марҳамат қиласиз-да. Паловхонтўрани ўз қўлим билан дамлайман.

— Пиёзини куйдириб юборманг-да, тағин? — шивирлади Шокиржон ҳам уни қўйиб юборгиси келмай.

— Қўрқманг, ёғни аллақачон юрак доғларини ҳам қўшиб, биратўла яхшилаб доғлаб олганман, — деди сўз ўйини қилиб, Ваққос. — Пиёзни энди сира куйдирмайман.

Шу куни оқшомгача ёққан ёмғир кунботар олдидан тўхтади. Қуёш осмонга мусаффо нурларини сочиб, алвонранг шафаққа бош қўйди. Демак, эртага қуёш чарақлаб чиқади.

(Охири. Боши ўтган сонда).

**Рустам ХУДОЙҚУЛ.**



*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# БЕЗЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

**Талабалик йилларининг қизғин дамлари эди. Бу ёқда янги йил арафаси, бу ёқда эса қишки сессия ҳар биримизни ўз «чиғириғи»дан ўтказаётганди.**

Туни билан мижжа қоқмай ёзган курс ишимни топширгани факультет биноси томон кетаётгандим. Шу пайт рўпарамда нимадир қаттиқ пақиллади. Қарасам, бир талаба йигит курткасининг ён чўнтагини пай-паслаганча типирчилаяпти. Шериклари эса, бундан завқланиб кулишаяпти. Ҳалиги талаба янги курткасининг чўнтаги илма-тешик бўлганиданми, жони оғриганиданми, улар билан муштлашиб кетди. Тўғриси, шу кун қандай ўтганлиги менга ҳам татимади. Сабаби, ўша кезлари «пақилдоқ»нинг кўплаб нохуш оқибатлари барчани ташвишга солаётганди.

Мана, яна Янги йил байрами яқинлашмоқда. Шуни ўйласам, талабалик вақтидаги ўша воқеа ёдимга тушаверади. Тўғри, айрим болаларнинг бир фурсат хурсандчилиги оқибатида юзага келаётган турли кўнгилсизликлар, ёнғин содир бўлиши, ҳатто, инсон ҳаётига хавф солиш ҳолатлари олдида талабаларнинг бу қилиғи нима бўпти, дерсиз. Лекин хоҳ кичик, хоҳ катта мана шундай кўнгилсизликлар эътиборсизлик оқибатида келиб чиқаяпти-ку, шундай эмасми?...

Яқинда Янги йил байрами тантаналарини кўнгилли ўтказиш, шунингдек, турли нохушликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ҳокими фармойиш қабул қилди. Унда бугунги кунда савдо шохобчалари ҳамда бозорларда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган «гугуртли қарсилдоқ» (пиротехника) портловчи моддалар ноқонуний сотилаётганлиги қайд этилиб, портлашлар натижасида жойларда кўплаб ёнғинлар содир бўлаётганлиги, фуқаролар, айниқса, ёш болалар турли тан жароҳатлари олаётганлиги таъкидланган. Шунга мувофиқ, бугунги кунда жойларда ишчи гуруҳлари тузилиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо ҳамда муқим шохобчалар, бозорларда бундай зарарли пиротехника маҳсулотлари сотилишини олдини олиш ҳаракатлари бошлаб борилди. Шунингдек, байрам нишонланадиган жойлар, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ҳамда жамоат жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тегишли идора вакиллари тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўймоқдалар.

Ҳаёт хавфсизлиги ҳар биримиз учун муҳим омил. Шундай экан, ҳар биримиз нафақат фарзандларимиз, қолаверса, ўз соғлиғимиз, осойишталигимиз ҳақида қайғурмоғимиз лозим. Гоҳида фарзандларимизнинг кўнглига қараб, ўйлаб ўтирмай, қўлига пул тутқазамиз. Гўёки шу билан ўз меҳримизни намоён қилгандек бўламиз. Лекин ҳеч биримиз бола пулни нимага сарф этишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бирор егулик ёки ширинлик олиб ер, деб ўзимизга тасалли бериб қўямиз. Болалар эса, ўзларининг хурсандчиликларини ўйлаб, билиб-билмай, ана шундай зарарли нарсаларни харид қилиб, оқибатда ўзлари учун ҳам, катталар учун ҳам ташвиш орттирадилар.

Биз — катталар орзиқиб кутиладиган Янги йил кечасини кўнгилли ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилайлик. Фарзандларимизга ўткинчи, лекин хатарли кўнгилхушликни эмас, сиҳат-саломатликни, маънавий гўзалликни раво кўрайлик. Уларнинг бахтли келажагини ўйлаб, ақл билан иш юритайлик. Айрим ота-оналар байрам байрамдек ўтсин, деб ўзларига ортиқча ғавғо орттириб оладилар. Афсуски, айрим ҳолларда уларнинг кўзлари кеч очилади.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



# БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

**Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси томонидан ёнғин хавфсизлиги ойлигида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳардаги корхона ва ташкилотлардаги ёнғинга қарши ҳолатлар текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилаётир.**

Шу кунгача, барча тиббий ва ўқув муассасалари ҳамда маҳаллаларда ёнғин хавфсизлиги бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари аҳоли гавжум жойларда кўргазмали машғулотлар ўтказилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмасида шаҳар ўт ўчирувчилари тарихига бағишланган музей ташкил этилган бўлиб, ҳар куни бу ерда мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари учун мулоқотлар уюштирилиб, ёнғин хавфсизлиги бўйича машғулотлар ташкил этилмоқда.

**Шуҳрат ҲАСАНОВ,**
**Бекобод шаҳар ИИБ ЁХБ инспектори.**

***СУРАТДА:*** *навбатдаги муассасанинг ёнғинга қарши кураш воситаларини кўздан кечириш жараёни.*

*Шундан кейин*

## Панжарани писанд қилмай

Америка Қўшма Штатлари пойтахти Вашингтонда ғаройиб воқеа юз берди. Гап шундаки, номаълум шахс 2 метрли панжарани ошиб ўтган ҳолда Оқ Уй биносига ноқонуний тарзда киришни мўлжаллаган. Воқеа содир бўлганда пре-



зидент Жорж Буш ўз қароргоҳида бўлган. Қонунбузар бино яқинидаёқ қўлга олинди. Олиб борилган тергов ишлари сўнгида тартиббузарнинг шахси аниқланди. У Арканзас штатининг 29 ёшли фуқароси Шон Кокс бўлиб чиқди. Шон Кокс аввалари ҳам мамлакат махсус хизмат вакилларининг кузатуви остида бўлган. Яқин кунларда унинг устидан суд жараёни бошланади. Шон Кокс қўриқланаётган ҳудудни ноқонуний тарзда босиб ўтишда айбланмоқда.

## Жазирама қори

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида сунъий тоғ-чанғи курорти барпо этилди. Махсус ойнаванд гумбаз остидаги совуқ ҳароратни улкан музлатиш қурилмалари сақлаб туради. Унинг очилиш маросимида 1,5 минг киши иштирок этди. Сунъий тоғ-чанғи курорти раҳбариятининг фикрига кўра, бу ерга келувчилар сони муттасил кўпайиб боради.



Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерга кириш ва чанғи учиш истагида бўлганлар навбат кутиб турибди. Маълумки, Бирлашган Араб Амирликлари ва минтақада жойлашган бошқа мамлакатларда деярли қиш бўлмайди ва шу боис ушбу мамлакатларнинг фуқаролари Европа ёки бошқа олис юртлардаги тоғ-чанғи курортларида дам олади. Маълумотларга кўра, Дубайдаги тоғ-чанғи курортини барпо этиш учун 35 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланган. Келгусида уни яна кенгайтириш мўлжалланмоқда.

## Тўфон ҳамон ҳаракатда

«Дельта» тропик тўфони Испанияга қарашли Канар оролларига келиб урилди. Маълумотларга кўра табиий офат 7 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Метеорологларнинг фикрига кўра тўфон ва шунга ўхшаш та-



биий офатларнинг тез-тез содир бўлиши глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ. Ҳаётдан кўз юмганларнинг 6 нафари африкалик ноқонуний муҳожирлардир. Улар унча катта бўлмаган кемада Испания соҳилларига етиб олмоқчи эди, бироқ денгиздаги кучли тўфон чоғида ундаги 20 нафарга яқин йўловчи сувга тушиб кетган. Ҳозиргача улардан 6 нафарининг жасади топилди. Қолганлар эса бедарак кетган деб ҳисобланмоқда. Айни чоғда тўфон Африка соҳиллари томон ҳаракатланмоқда.

● *Sport*

## БИЛАГИ БАҚУВВАТЛАР БАҲСИ

**Япония пойтахти Токио шаҳрида армрестлинг бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси спортчилари медалларнинг катта шодасини қўлга киритди.**

Фикрат Керимов бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзоларидан Фарид Усмонов ва Сарвиноз Тонготарова ўнг ва чап қўлда ўтказилган беллашувларда иккитадан олтин медалга сазовор бўлди.

Токиодаги чемпионатда ҳамюртларимиздан кўп карра жаҳон чемпиони – Умид Аҳмедов олтин, Руслан Мухторов олтин ва кумуш, Мирзоҳид Шарапов ҳамда Елена Смирнова биттадан олтин ва бронза медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, Шерзод Рамазоновга кумуш, Юсуф Қодировга кумуш ва бронза, Игорь Шишковга битта бронза медали топширилди.

**ЎзА.**

## ЗАНГИОТАЛИК БИАТЛОНЧИЛАР

**Пойтахтимизда ёзги биатлон бўйича вилоят очиқ биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази режасига мувофиқ ўтказилган мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятидан юздан ортиқ спортчи иштирок этди.

Беллашувлар якунига кўра умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин зангиоталик "Ватанпарвар"чиларга насиб этди. Иккинчи ўринни Қуйичирчиқ, учинчи ўринни эса Ўртачирчиқ тумани вакиллари қўлга киритдилар.

**ЎзА.**

*Ҳаёт сабоқлари*

Бу отахон билан бир тасодиф туфайли танишиб қолдим. Бошидан кўп гаплар ўтганми, ҳар қалай умридан кўп нолиди. Мен ҳам қўймадим, сўрайвериб, бор ҳақиқатни билиб олдим. Афсусландим. Ўйладимки, бу ҳақда ёзишим керак. Чунки отахоннинг ҳаёт йўллари кимгадир ибрат бўлмаса ҳам, сабоқ чиқаришга арзийдиган эди. Хуллас...

Шамсиддин бува болалигидаёқ ота-онасидан етим қолди. Ўзлари зўрға кун кўраётган қариндош-уруғлари уни етимхонага топширдилар. Уруш бошланганда ёш бола бўлган Шамсиддин ҳаётнинг барча зарбаларини бошидан кечираётган тенгқурлари қатори кўп азобларга дуч келди. Уруш тугаган пайтда у йигитлик остонасига қадам қўйган эди. Йўқчилик уни ўғриликка ўргатдими ё иродаси бўшлик қилдими, саёқ юрди. 30 ёшгача уч марта қамоқда ўтириб ҳам келди. На уйи, на бола-чақаси, на оиласи бор эди унинг. Охири бир одамнинг ўтириб қолган қизига ичкуёв бўлиб уйланди. 3-4 йил яхши яшашди, икки фарзандли бўлишди. Сўнг яна ичкиликка берилиб, уйдан кетиб қоладиган бўлди. Натижада эски оғайниларига дуч келиб, яна ўғриликка қўл урди.

Бу гал Россиянинг узоқ ўлкаларида йиллаб қолиб кетибди. Ёши элликка етай деганда юртга қайтибди. Қачонлардир топган оиласига борса, хотини ўлиб кетган экан. Аввалига ўзларини танимаганга олган болалар, сўнг таниб, барибир унга на ёрдам, на уй-жой таклиф қилишибди. Шу кетганча у боши оққан томонларда юриб, кимларнингдир молини боқибди, кимларнингдир уйини қоровуллабди. Ҳозир эса маҳалладаги ўзига тўқ бир хонадоннинг уй ишларига баҳоли қудрат қарашиб тураркан. Уйнинг бир бурчагидан жой қилиб беришибди.

Отахон бошидан ўтган бу гапларни узоқ-узоқ гапириб берар экан, охирида нолиди.

— Ёшим кўрган азобларимдан ҳам ошди. Ҳаётимда бир марта оила қурдим, холос. Кўрган икки ўғлим шунча йиллар ўтиб, на тириклигимдан, на ўлигимдан хабар олди. Қишлоқдан бирontасини кўриб қолсам, «отанг фалон жойда» экан деб ўғилларимга айтиб қўйишини тайинлайман. Айтишади, лекин, улар излаб келишмайди. Ўлсам тобутимни кўтарадиган одам йўқ. Тўғри, маҳалла обориб, кўмиб келади, ўлигим кўчада қолмайди, лекин...

Унинг кўзларида илтижо бор эди. У оғир хўрсинди. Мен ҳам жим қолдим. Сўнг бувадан ўғилларининг манзилини сўрадим...

Вақт топиб, ўша айтган манзилга бордим. Ўғилларининг бири Сирдарё томонларга кўчиб кетган экан, каттаси билан учрашдим. Мен унга дабдурустдан отаси ҳақида гапирмадимда, танишиб олгач, «бир одамнинг ҳаёти ҳақида гапириб берай» деб Шамсиддин бувадан эшитганларимни ҳикоя қила бошладим. Сўзимни тугатганимда у:

— Менинг отамнинг ҳаётини гапириб бердингиз-ку, — деб қолди.



# ҚАДРИНГИЗНИ СЎРАШГА ҲАҚЛИСИЗМИ?

Мўлжални тўғри олган эканман. Шундан сўнг унга:

— Демак, отангизнинг ҳаётидан хабардор экансиз-да. Ҳеч бўлмаса уйингизга олиб келиб, беш-олти кун иззатини қилмайсизми? — дедим.

У менга бироз тикилиб турди-да, сўнг шаҳд билан ўрнидан туриб, ичкарига таклиф этди. Ичкаридаги хонада оппоқ чойшаблар тўшалган кроватда бир қария ётарди. У одам кирганини сездими, бир қимирлаб қўйди.

— Мана, ака, шу одам менинг отам. Шу одам бизни катта қилди. Онам ўлиб кетгач, бизга ҳам она, ҳам ота бўлди.

Биз яна ҳовлидаги сўрига қайтиб, ўтирдик. Шу ерда у ўгай отасининг тарихини сўзлаб берди.

— Онам отам бизни ташлаб кетгач, оғир аҳволга тушиб қолибди. Кетма-кет ота-онаси ўлибди. Ишга чиқай деса, бизлар ёшмиз, қарайдиган одам йўқ. Маҳалладагиларнинг қийнов-қистови билан шу сиз ичкарида кўрган одамга турмушга чиқибди. У ҳам урушдан ярадор бўлиб келган, оғир ишга ярамас экан. Ҳар қалай уйимизда эркак киши пайдо бўлиб, турмушимизга барака кира бошлади. Онам билан ўгай отам бор-йўғи ўн йил турмуш қуришди. Онам қаттиқ касал бўлиб, икки йил тўшакда ётди. Ўгай отам бечора жонини ҳам тикди, кечаю кундуз парвона бўлди, лекин тузалмас дард экан, оламдан ўтди.

Бизлар кўчада қолмаслигимиз учун отамиз ўгайлигига қарамай, бизга онадай хизмат қилди. «Биронта бева хотин бўлса олиб берайлик» деган маслаҳатларимизга ҳам унамади. Бизни уйлади, жойли, оилали қилди. Кичик укам деҳқончилик қиламан деб, Сирдарёга кўчиб кетди, ўзлари оқ фотиҳа бериб, кузатдилар. Мана, энди қариб қолдилар, тўрт кунлиги борми-йўқми, келинингиз иккаламиз иззат-ҳурматини қилиб ўтирибмиз. У отамни эса атиги бир марта кўрганман. Қамоқдан қайтгач, уйимизга келган. У пайтда онам дунёдан ўтган эди. Менинг юрагимда у кишига нисбатан на ачиниш, на гина-кудрат, на меҳр бор, ака. Пешонасида шу нарса бор экан, Худонинг айтган кунини кўради-да...

Мен узоқ пайт жим қолдим. Агар ёнимда Шамсиддин бува бўлганида унга «Қадрингизни сўрашга ҳаққингиз борми?» деган саволни берган бўлардим. Барибир унинг нурсиз кўзларидаги илтижо мени тинч қўймасди.

— Сизга раҳмат, ука, ўгай отани шунчалик меҳр билан парваришлаганингизга, лекин барибир дунёда пушти камаридан бўлган ўз отангиз бор-ку. У кимларнингдир эшигида хор бўлиб юрибди. Майли, ораларингиздаги бу гаплардан кўпчиликнинг хабари бўлмаса, охиратда жавоби бор, ахир. Битта ота сиққан ҳовлига иккита ота ҳам сиғади. Ўйлаб кўринг...

У мен билан совуқ хайрлашди. Йўлда «Уларнинг ҳаётига аралашишим шартмиди?..» деган фикр миямдан ўтди.

Йўл-йўлакай қишлоқ оқсоқолига бўлган гапларни гапириб бериб, шу оиладан хабар олиб туришини тайинладим, янгилик бўлса, хабар берарсиз, деб хизмат телефоним рақамини ҳам қолдирдим.

Орадан бир ойлар чамаси ўтган эди, телефон жиринглаб қолди. Кўтарсам, қишлоқ оқсоқоли. Унинг айтишича, катта ўғил отаси ётган уйга кроват қўйиб берибди. Ҳозир Шамсиддин бува фарзандларининг тўшакда ётган ўгай отасини худди ёш боладек парвариш қилиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб турибди экан.

Бу ҳаёт деганлари жуда қизиқ-а, тўғрими?

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

Ангрен шаҳридаги 14-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Файзиев Илья Маратович номига берилган O'R-B 041557 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг Хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Маъмиржон Тўйчиевга акаси
**Бахтиёр ТЎЙЧИЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-242. Адади 2623. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 2 3 4 5 6